



Ishonch

Аввало, яхши
ахлоқни, кейин
донишмандликни
ўрган, чунки
ахлоқли бўлмай
туриб, донишманд
бўлиш амри
маҳол.
СЕНЕКА

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Аввал хабар қилингандек, шу йил 28 апрел куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммит ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу нутқи матни эълон қилинмоқда.

Мухтарам давлат раҳбарлари, Хонимлар ва жаноблар, Авваломбор, давлат раҳбарлари ва бу ерда ҳозир бўлган минтақавий ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, экспертлари, ушбу учрашунинг барча иштирокчиларини қутлаш ва уларга ўзининг юксак ҳурмат-эҳтиромини билдиришга ихозат бергасиз. Айни пайтда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Абдишевч Назарбаевга аънанавий меҳмондустлик ва анжуманимиз қатнашчиларига кўрсатилган катта эътибор учун самимий миннатдорлик билдиришга рўхсат этгасиз.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг мазуру учрашуви нечоғли долзарблигини ва мажлисда муҳокама этиладиган масалалар фақатгина минтақавий аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлашнинг ҳождати йўқ, деб ўйлайман.

Орол денгизи муаммосининг илдиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами XX асрнинг 60-йилларида, айниқса, хавфли тус олди. Аҳоли сонининг кўпайиши ва сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларни жадал ўзлаштириш, сўғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, сув тақчил бўлган йилларнинг мунтазам такрорланиб туриши энг янги тарихдаги йирик глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига — сайёраимизда энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг қуриб боришига олиб келди. Бутун инсоният кўз ўнгига денгиз хало-

катта юз тутмоқда. Менинча, тарихда бундай ҳодиса илгари рўй бермаган.

Сўнги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартага камайди, унинг минераллашуви эса худди шу миқдорда ошди.

Бу ерда пайдо бўлган чўл Оролбўйи худудини шафқатсизларча қамраб олаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Экологик хавф доимий тус олиб, мавжуд ҳудуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, у фарзандларимиз генотипига, бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли генотипига хавф солмоқда. Бу хавфнинг таъсири бугунги кунда нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидagi минтақалар — Қозоғистоннинг Қизил Ҳудуд вилояти, Туркменистоннинг Тошхўвуз вилояти, Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб бормоқда.

Сув ресурсларининг, жумладан, ичимлик сувининг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг яроқсиз ҳолга келиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши туфайли иклим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ равишда минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг қисқариб бориши — булар Орол денгизининг ҳалокати натижа-

сида вужудга келаётган салбий оқибатларнинг кичик бир рўйхати, ҳолоқ.

Бугунги кунда шуниси мутлақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқиши ва асоратлари жиҳатидан глобал, таъбир жоиз бўлса, бутун сайёраимиз миқёсидаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

Экспертларнинг фикрича, тобора халокатли тус олиб бораётган бундай таҳликали вазиятда шу нарса борган сари аён бўлмоқдаки, бу муаммони жазҳон ҳамжамияти ва биринчи навбатда, БМТ институтлари билан биргаликда ўзаро мувофиқлаштирилган сайёра-харакатлар сиз бартараф этиш мумкин эмас.

Маълумки, жорий йилнинг март ойида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилганга 16 йил тўлди ва бугун биз унинг фаолиятига доир айрим натижаларни қуриб чиқишимиз мумкин. Жаҳон жамоатчилиги, дунёнинг кўлаб мамлакатлари ҳукуматлари ва қатор халқаро институтлар эътиборини Орол муаммосига жалб эта олганимиз, шубҳасиз, ушбу Жамғарманнинг хизматидир.

Ҳозирги вақтда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Глобал экология фонди, турли халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатларнинг фаол ёрдами ҳамда иштирокида минтақада истиқомат қилувчи аҳоли генотипига хавф солаётган ноҳус вазиятни соғломлаштириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2008 йилда Оролни қутқариш халқаро жамғармасига БМТ Бош ассамблеясида қузатувчи мақомининг берилиши унинг глобал миқёсда фаолият кўрсатиши учун янги имкониятлар очмоқда.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда Орол бўйича халқаро конференция ўтказилгани ушбу ўта жиддий муаммони халқаро даражада қуриб чиқишга яна бир сезиларли туртки берди. Анжуманда 90 дан ортиқ халқаро ташкилот, Япония, Германия, Хитой Халқ Республикаси ва араб мамлакатларининг йирик давлат молия институтлари, шунингдек, етакчи тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этгани бунинг тасдиғидир.

Форум ақналари бўйича Тошкент Декларацияси ва Орол ҳалокатининг оғир оқибатларини юмшатиш учун умумий қий-мат қарийб 1,5 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишни қўлда тутадиган Ҳаракат режаси қабул қилинди.

Бизнинг фикримизча, халқаро институтлар ва донор-мамлакатлар томонидан маълумланган ушбу Ҳаракат режасидан экспертларимиз ва Халқаро жамғарма мутахассислари Орол денгизи хавзасидаги минтақага ёрдам кўрсатиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг учинчи босқичини ишлаб чиқишда самарали фойдаланишлари мумкин.

Биз, Ўзбекистонда Орол денгизини том маънода қутқариб қолишнинг амалда даярли илоҳий йўқлигини яхши англаётган ташкилотлар ва айрим мамлакатларнинг фаол ёрдами ҳамда иштирокида минтақада истиқомат қилувчи аҳоли генотипига хавф солаётган ноҳус вазиятни соғломлаштириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Орол қуриши оқибатларини бартараф этиш ва Орол денгизи хавзасини экологик жиҳатдан соғломлаштириш борасида бизнинг асосий, энг муҳим вазифаларимиз, аввало, қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблай-миз:

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида кичик сув ҳавзалари яратиш, чанг ва туз бўронларини камайтириш мақсадида дельта хавзаларига сув етиб боришини таъминлаш, биохилма-хиллик ва дельта экотизимини қайта тиклаш;

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида жуда муҳим бўлган ўрмонзорлар барпо этиш, қум кўчишини тўхтатиш, денгизнинг қараб ётган тубини заҳарли моддалар қўтарилишини камайтириш;

— коммунал хизмат ва давлола муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш ва сувни зарарсизлантирувчи қурилмалар билан жиҳозлаш, сув йилги ишоотларини қорловчи қурилмалар билан қайта жиҳозлаш ҳамда аҳолининг соғлигини сақлашга хизмат қиладиган бошқа кўлаб тадбирларни бажариш;

— Оролбўйи худудига кўламини тобора кенгайиб бораётган экологик таназзулнинг аҳоли саломатлигига ва фарзандларимиз, келгуси авлодларимиз генотипига таъсирини тизимли асосда ўрганиш, ушбу минтақага одам турли хавфли касалликлар ҳосил қилган орасида кенг тарқалишининг олдини олиш ва бундан оғохлантириш, бу ерда яшаётган аҳоли учун ихтисослашган профилактика ва давлола муассасалари тармоғини кенгайтириш, ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш.

(Давоми 2-бетда).

«Олтин қалам»нинг янги соҳиблари

Мамлакатимизда барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тезкор, ҳолис ва ҳаққоний ёритиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятимизда демократик қадриятларнинг мустаҳкам қарор топишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқийсдир. Шу боис Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш, уларнинг самарали ижод қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларига мукофотларни тантанали топириш маросимида булар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Тадбирда турли вазирлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

«Олтин қалам» Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, эркинлигини таъминлаш, унинг янгилиниш ва ислохотлар жараёнларидаги аҳамияти, таъсирини янада кучайтириш, самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари талаблари даражасидаги шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имкониятлар яратиш, ҳар томонлама қўмақ кўрсатиш борасидаги эзгу сайёра-қатлар бунинг ёрқин далилидир. Айни пайтда журналистларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг касб маалакиси ва маҳоратини юксалтириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик журналистлардан билдирилган ишончга муносиб бўлишни, масъулиятни астойдил ҳис этишни, жаҳон журналистиксининг илғор иш тажрибасини пухта ўзлаштиришни, эл-юрт қувончу ташвишлари билан ҳамнафаслик, давр билан ҳамқадамликни, маънавий уйғоқликни, миллий маффаатларимизнинг том маънодаги ҳимоясис сифатида иш қўришни талаб этмоқда.

Тўртинчи марта ўтказилаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлови энг фаол, изланувчан, серғайрат, ташаббускор журналистларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда. Айни пайтда ушбу ижодий беллашув миллий ва халқаро журналистиксининг илғор ютуқларини тарғиб ва ташвиқ этиш, омалаштириш, журналистларнинг фаол фуқаролик позициясини намоён этиши учун шароит яратиш, ижодкорларда танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгица ёндашуви шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йилги танловга тўрт эзга яқин журналистан беш миңдан зиёд, ижодий иш келди. Бу эса танловнинг нуфузи ва маъқоли, аҳамияти йил сайин ортиб бораётганидан далолатдир. Жорий йилдаги танловнинг ўзига хослиги унда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган энг яхши материал ҳамда «Энг яхши матбуот хизмати» каби янги номинациялар ҳам жорий этилди.

Танловнинг беш миллий мукофотини қўлга киритган Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг «Ўзбекистон» телерадиоканалининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарриратининг ижодий гуруҳи — гуруҳ раҳбари Мамадамин Сафаров — махсус диплом ҳамда энг ҳам иш ҳақининг 200 баробаридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Танловнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистиксини йўналиши, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт намойиш этилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-нинг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти ғолиблари ва совриндорлари

Беш Миллий мукофот

Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг «Ўзбекистон» телерадиоканалининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарриратининг ижодий гуруҳи — гуруҳ раҳбари Мамадамин Сафаров. Одам савдосига қарши курашиш ва ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш масалаларига бағишланган «Адашганлар қисмати» туркум кўрсатувлари учун.

Асосий номинациялар

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (ТЕЛЕВИДИЕНИЕ):

1-ўрин:
Дилфуза Эсонова — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Ахборот» маркази муҳаррири. «Парламент соати» рункидаги муаллифлик кўрсатувлари учун.

2-ўрин:
Алишер Ҳошимов — Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион дастури катта муҳаррири. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳақида маданий ҳаётдаги ўзгаришларни ёритган материаллари учун.

3-ўрин:
Рухсора Ғофурова — «Самарқанд — СТВ» телерадиоканалининг мухбири. Қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун.

(Давоми 2-бетда).

Қутлаймиз!

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» IV Миллий мукофотининг «Энг яхши журналистик текширув учун» номинациясида, газетамизнинг Сирдарё вилояти бўйича мухбири Примқул Дўстматов ғолибликни қўлга киритгани барчамизни қувонтирди. Ҳамкасбимизини ушбу юксак мукофот билан қутлаб, келгусидаги фаолиятида ҳам ижодий баркамоллик тилаймиз.

«Ishonch»га жавоб берадилар

«Ўттиз икки тадбиркор ва ...»

2009 йил 17 январ, 7-сон

Мақолада келтирилган ҳолатлар ўрганиб чиқилди. Аниқлаштиришга, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 23 майдаги аҳрими билан ўзгаришсиз қолдирилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 27 мартдаги ҳукмига қўра Н.Қадиров, Б.Айтмуратов ва бошқалар ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а», «в» бандлари, 168-моддаси 3-қисми «в» банди ва бошқа моддалар билан айбдор деб топилди, ҳар хил муддатларга судланганлар. Бош прокуратура томонидан жиноят ишини ўрганиш натижасига қўра, суд қарорлари асосидан деб топилди, Олий судга суд қарорларини бекор қилиш тўғрисида назорат тартибда протест келтирилди.

М.ЭРМАТОВ,

Ўзбекистон Бош прокуратураси Судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи, адлия маслаҳатчиси

«Ҳолис баҳони ким беради?»

2009 йил 4 апрел, 41-сон

Мақолада қайд қилинган масалалар бўйича Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси ҳузурида ташкил қилинган мактабгача таълим муассасалари раҳбарларининг аттестациядан ўтказиш комиссияси фаолияти ўрганилди.

Аттестация комиссияси раиси И.Уразабаев, раис ўринбосари З.Худайрова ва аъзоларининг маълумот беришича, Бобўвут тумани халқ таълими бўлимига қарашли 10-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Ф.Файзиёва ва 17-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Р.Султонова аттестациядан ўтаётган пайтда 9 нафар комиссия аъзосидан 6 нафари қатнашган. Шунингдек, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Қ.Эшназаровнинг ўрнига раис ўринбосари А.Уринбоев қатнашган ва аттестация ўтказиш тартиби бузилган.

2008 йил 27 ноябрдаги аттестация комиссияси йўғишлигининг Ф.Файзиёва ва Р.Султоновани аттестациядан ўтказиш жараёнида «Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга тоифа бериш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 14-банди бузилганлиги аниқлашиб, юқорида қайд этилган раҳбарлар белгиланган тартибда қайта аттестациядан ўтказилди.

У.МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари

Б.ИСМОИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Давлат тест маркази директори



Чортоқ туманидаги 9-умумтаълим мактабида 883 нафар ўқувчи таҳсил олади. Улар орасида иқтидорлилари кўпчилиги ташкил этади. Улардан бири — 8-синф ўқувчиси Шаҳодат Мақсудова келажақда дизайнёр бўлиш ораусида.

Суратда: Шаҳодат устозини — мактаб директори Дилфуза Ҳақимова билан, Иқром ҲАСАНОВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Давлат тест марказининг 2009 йил 24 апрелдаги 89-01-657-сонли хатида маълум қилинишича, 2008 йил 27 ноябрда ўтказилган аттестация комиссияси йўғишлишида Ф.Файзиёва ва Р.Султонова билан суҳбат жараёнида «Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга тоифа бериш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 14-банди бузилганлиги аниқлашиб, юқорида қайд этилган раҳбарлар белгиланган тартибда қайта аттестациядан ўтказилди.

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти голиблари ва совриндорлари

(Боши 1-бетда).

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (РАДИО):

1-ўрин: Шоҳида Абдуалимова — Ўзбекистон Давлат санъат институти журналистика кафедраси ўқитувчиси. Хуқуқий мавзудаги туркум эшиттиришлари учун.

2-ўрин: Муқаддас Халилова — «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири. «Ҳаёт даси» рункидаги ёшлар тарбиясига бағишланган эшиттиришлари учун.

3-ўрин: Дилбархон Ғаниева — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси радиоканали муҳаррири. Маънавий-маърифий мавзудаги эшиттиришлари учун.

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (МАТБУОТ):

1-ўрин: Максуд Жонионов — «Халқ сўзи» газетасининг бўлими мудири. Ватан туйғуси, миллий мерос ва миллий қадриятлар мавзуларидаги мақолалари учун.

2-ўрин: «Белла Терра» ва «Жаннатмакон» журналлари таҳририяти — бош муҳаррирлари Мадина Мўминова ва Ирода Дадажоновна. Маънавий-маърифий ва ижтимоий-илмий мавзудаги мақолалари учун.

3-ўрин: Лукмон Бўриев — «Ёшлик» журнали бош муҳаррири ўринбосари. Миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатлар ҳақидаги материаллари учун.

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛИСТИКА):

1-ўрин: Ралиф Нигматуллин — «uz.berot» сайтининг директори — бош муҳаррири. Хуқуқшуносликнинг долзарб масалаларини ёритган материаллари учун.

2-ўрин: Гулбахор Тангинова — «Заря Сурхана» ва «Народное слово» газеталарининг муҳбири (Сурхондарё вилояти). Таълим соҳасида амалга оширилган ислохотларни кенг ёритган материаллари учун.

3-ўрин: Ҳалим Саидов — «Маърифат» ва «Учитель Ўзбекистана» газеталарининг бош муҳаррири. «Матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси» рункидаги материаллари учун.

Рағбатлантирувчи мукофотлар бўйича:

ЖУРНАЛИСТИКА РИВОЖИГА ҚЎШГАН ХИССАСИ УЧУН

Озод Шарафиддинов — Ўзбекистон Қаҳрамони (марҳум) Фаол фуқаролик позицияси учун Раҳим Мақсудов — «Қизилтепа тонги» туман газетаси муҳаррири (Навоий вилояти)

ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ МАВЗУДАГИ ЭНГ ЯХШИ ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛ УЧУН

Собир Дадаҳужаев — «Водин ёғдуси» туман газетаси муҳаррири (Фарғона вилояти)

ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАВЗУДАГИ ЭНГ ЯХШИ ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛ УЧУН

Мнажатдин Қутлимуратов — «Хожайли ҳақиқати» туман газетаси муҳаррири (Қорақалпоғистон Республикаси)

«ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ МАТЕРИАЛ УЧУН

Моҳиниса Камолова — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МАВЗУДАГИ ЭНГ ЯХШИ МАТЕРИАЛ УЧУН

Урол Утаев — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК МАВЗУСИДАГИ ЭНГ ЯХШИ МАТЕРИАЛ УЧУН

Инобат Ибрагимова — «Ватанпарвар» газетаси бўлими муҳаррири

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК ТЕКШИРУВ УЧУН

Примкул Дўстаматов — «Ишонч»-«Доверие» газеталарининг ўз муҳбири (Сирдарё вилояти)

МУРАККАБ ШАРОИТЛАРДА (ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР, АТРОФ-МУҲИТ ВА ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ) ТАЙЁРЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ РЕПОРТАЖ УЧУН

Муродулло Абдуллаев — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари

ЭНГ ЯХШИ РЕЖИССЁРЛИК ИШИ УЧУН

Андрей Афин — «Ўзбектеlevision» студияси режиссёри.

ЭНГ ЯХШИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати — раҳбари Светлана Ортиқова

ЭНГ ЯХШИ ФОТОРЕПОРТАЖ УЧУН

Бурхон Ризоқулов — «Маърифат» газетаси фотомуҳбири

ЭНГ ЯХШИ КАРИКАТУРА УЧУН

Абдурашул Ҳакимов — жамоатчи муҳбир (Марҳум)

ЧЕТ ЭЛЛИК ЖУРНАЛИСТИКНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИСИДАГИ ЭНГ ЯХШИ МАТЕРИАЛИ УЧУН

Муҳаммад Аббас Хан — журналист (Покистон)

Халқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари:

БМТ

Минг йиллик тараққиёт мақсадлари мавзусини ёритгани учун:

Гулрух Мўминова — «Зарафшон» газетаси муҳбири (Самарқанд вилояти)

ЮНЕСКО

Маданият, фан ва таълим мавзуларини ёритгани учун:

Хилола Болтаева — «Ёшлар» радиоканали бошловчиси

ЖАҲОН БАНКИ

Қишлоқ ҳаётининг барча жиҳатларини мукамал ёритгани учун:

«Фермер-пресс» газетаси таҳририяти — бош муҳаррир Башорат Имомова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

Қайд этилган лойиҳалар давлат доирадаги учрашуви чоғида кенгайтирилган таркибда музокарада фақат битта масала — Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг фаолияти ва унинг истиқболдаги асосий вазифаларини муҳокама қилишга келишиб олинган эди. Бироқ айрим ҳамкасбларимиз ўз сўзларида кенгайтирилган таркибдаги музокарадаги келишувимиз доирасидан чиқиб кетди. Шунга қарамай, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолияти доирасидан анча йироқ бўлган масалалар юзасидан бугун баҳс-мунозара уюштиришдан ҳеч қандай маъно йўқ, деб ўйлайман.

Мен фақат биз учун жуда муҳим бўлган бир воқеа, яъни яқинда Жаҳон банки президенти жаноб Роберт Зеллдин олинган ва Ўзбекистон матбуотида эълон қилинган мақтуб ҳақида яна бир бор эслатиб ўтишни истардим. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бугунги кунда Марказий Осиёда бутун минтақа гидроэнергетика ресурсларидан бир-бирига фойдаланиш билан боғлиқ барча мураккаб муаммолар аниқ баён этилган мақтубга билдирилган жавоб эди.

Сўнги йилларда мазкур масала юзасидан жиддий баҳс ва муоамалар олиб борилмоқда. Минтақамиздаги икки азим дарё — Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар билан бу дарёларнинг қуйи қисмидаги мамлакатлар — Ўзбекистон, Туркменистон, Қозғистон ўртасидаги бахслар чоғида вужудга келган турли қарашларнинг бўлишини табиий ҳол, деб ҳисоблайман.

Тожикистон ва Қирғизистон, аввало, фақат ўз манфаатларини кўзламоқда. Ҳолбуки, бу ерда гап ҳар бир алоҳида давлат манфаатлари ҳақида бормоқда. Бу фақат бугунги куннинг манфаатлари эмас, балки келажакнинг ҳам манфаатлари эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки, бу ерда айтилганидек, совет даврида сув-энергетика дастурларини амалга ошириш борасида шу қадар кўп хатоларга йўл қўйилганки, бугун бу ҳақда афсусланиб гапиришга тўғри келади. КПСС Марказий Қўмитаси, Сиёсий бюро ва СССР Министрлар Совети қарорлари-га биноан қабул қилинган Си-бири дарёларини Қозғистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига буриш ва бошқа кўплаб ташаббуслар ана шундай улкан лойиҳалар сирасига киради.

Ишончим комилки, бундай «буюк лойиҳалар»нинг бирорта-си ҳам лухта ўйланмасдан ишлаб чиқилган бўлиб, улар нафақат халқаро, балки умуман ҳеч қандай жиддий экспертизадан ўтмаган ва бу фикрни тасдиқ-лайдиган далиллар етарлидир.

«Партия қарорлари — ҳаётга» деган шiorга асосланиб, оқибати ўйланмай қилинган бундай ишлар нафақат бизнинг минтақамиз, балки собиқ Совет Иттифоқининг бошқа катта ҳудудларида ҳам шунчалки кўп муаммолар туғдирганки, бугунги кунда экологлар улар ҳақида афсус ва норозилик билан сўз юритмоқдалар.

Бу — алоҳида мавзу, албатта. Лекин бугун шу нарса аёнки, Марказий Осиё ҳудудида мазкур сув омборлари, гидростанциялар ва бошқа иншоотларнинг қурилишига муносабатлар турлича бўлмоқда. Бу эса кўзда тутилган асосий масала — электр энергияси олиш масаласининг ҳал этиш билан бир қаторда, бугун биз ҳар қадамда тўқнаш

келаётган кўплаб экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқариб билан боғлиқдир. Шу бонис бу борада баҳс-мунозаралар бўлиши мутлақо табиий ва қонуний ҳолдир.

Биз фақат минтақада янгидан қурилиши бошланган барча йирик гидроэнергетика иншоотлари бўйича мустақил халқаро экспертиза ўтказиш тарафдори эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман, холос. Бу борада бизни нафақат Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки, балки Европа Иттифоқи ҳам қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, минтақамизга, жумладан, Тожикистон ва Қирғизистонга бир неча марта келиб кетган Европа Иттифоқи вакили жаноб Морель ҳам шу ҳақда гапирган эди.

Шу сабабли бу ерда гап нафақат Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг нуктаи назари ҳақида, балки амалда бутун жаҳон жамоатчилигининг фикри ҳақида бормоқда. Шу билан бирга, мен бундай бахслар бўлиши табиийлигини, лекин мунозарани янада кескинлаштирадиган фикрлардан тийилиш зарурлигини таъкидлашни истардим. Минтақадаги бу жараёнларга таъсир қўраётган ури-наётган айрим унчинчи мамлакатлар қандай стратегик мақсадларни кўзлаётгани тўбора аён бўлиб бормоқда.

Биз, ўз халқи олдида, тарих олдида масъул бўлган давлат раҳбарлари, аввало, бугун ушбу баҳс-мунозараларни авж ол-дирмасдан ва уларга сиёсий тус бермасдан, умумий ёндашув нукталарини топишимиз дар-кор, деб ўйлайман. Ақс ҳолда, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, унчинчи кучларнинг стратегик


ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинда чиқиб қолиши мумкин.

Энг асосийси — мамлакатлар ва давлат раҳбарлари ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирмасдан, ақсина, ўзаро муросага келишдир. Бу борада биз учун бошқа йўл йўқ. Яна бир бор шунини таъкидламоқчиманки, мен ҳам бошқарувчи Тожикистон ва Қирғизистон манфаатларини ҳурмат қиламан. Лекин барибир ўзаро келишувга эришишимиз даркор, негаки, бусиз ушбу ўта муҳим масалани ҳал этиш бўлмайди.

Бугунги учрашувда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимўхамедовнинг чиқишини, у илгари сурган айрим, айтиш мумкинки, принципиал тамойилларни тўлиқ қўллаб-қувватлашнинг қайд этмоқчиман. Унинг Туркменистон позицияси баён этилган фикрига кўра, «биз ушбу минтақада давлатлар манфаатлари мувозанатига эришишимиз даркор». Бу сўзларда ҳамма гап айтилган.

Агар биз мувозанатга эришолмасак, бу умуман ҳал эта олмаймиз ва унинг ечими узок йилларга қўзғилиб кетади. Қолаверса, ким ўз мақсадига эриша олмиши ҳам ҳали номаълум — биз, яъни ушбу минтақада яшаётган халқларимиз ёки, пировард натижада, бошқаларнинг манфаатлари амалга ошадими? Бу борада «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган принцип — эски-дирмасдан ва уларга сиёсий тус бермасдан, умумий ёндашув нукталарини топишимиз дар-кор, деб ўйлайман. Ақс ҳолда, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, унчинчи кучларнинг стратегик

Бунга йўл қўйишга эса бизнинг асло ҳақимиз йўқ. Эътиборингиз учун раҳмат.



Банк соҳасида улкан тажрибага эга «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг фаолияти омонатчилар, миждоз ва акциядорларнинг манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга, иқтисодиётда бозор ислохотларини чуқурлаштиришга ҳам қаратилган. Айниқса, банк капиталларининг йилдан-йилга ўсиб бораётгани ушбу мақсадларни рўйга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Барқарор ва самарали фаолият кўрсатаётган мазкур банк дунёнинг энг нуфузли рейтинг агентликлари эътиборидан ҳам четда қолаётгани йўқ. Утган йили жаҳонга машҳур «Fitch Ratings» рейтинг агентлиги банкка иқтибобли ва ишончли кўрсаткичли кредит рейтингини эълон қилди. Бундан ташқари, банк 2008 йилда эришган юқори кўрсаткичлари бўйича «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг компанияси томонидан берилган баҳога кўра, мамлакатимиздаги мавжуд барча тижорат банклари орасида энг ижобий молия муассасаси деб тан олинди. Ҳозирги мураккаб бир шароитда бу каби халқаро миқёсда юқори баҳога сазовор бўлишнинг ўзи катта ютуқдир. Бунинг банкнинг пластик карточкалар муомаласида олиб бораётган ишлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимиздан ташқари нақд пул маблағларининг айланишини қисқартириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада кенгайтиришнинг асосий омилли сифатида пластик карточкалар тизимини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам Вазирият Маҳкамасининг 2004 йил сентябр ойидаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Президентимизнинг 2006 йил августдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш йўлида фаол иш олиб бормоқда.

Маълумки, энг замонавий молиявий муассаса сифатида «Ўзсаноатқурилишбанк» пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва миждозларга хизмат кўрсатишни 2000 йилда бошлаган эди. 2002 йилда эса, VISA халқаро ассоциациясига аъзо бўлиб ва юртимизда биринчи бўлиб уч турдаги — VISA Electron, VISA Classic ва VISA Business пластик карточкаларни эмиссия қилмоқда. Кейинчалик қўлайликлар анча тақомиллашиб, ҳозирги кунда миждозларга бу тизимнинг энг за-

монавий турлари тақдим этиб келинади. Жумладан, 2009 йил 1 апрел ҳолатига кўра, банк томонидан 850 миңдан ортққ VISA Electron, VISA Classic, VISA Business пластик карточкаларни муомалага чиқарган бўлса, 2009 йил 1 чорагида бу кўрсаткич 18128 донани ташкил этди. Пластик карточка-

наётганидан далолатдир. Умуман, 2009 йил 1 чорак давомида амалга оширилган транзакциялар сони 1 608 810 тани ташкил қилиб, шундан савдо нукталари орқали 1 497 927 та транзакция ўтказилган бўлиб, жами транзакцияларнинг 93,1 фоизини ташкил қилса, банк кассалари орқали 110 883 та транзакция ўтказилиб, жами транзакцияларнинг 6,9 фоизини ташкил қилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан «Навоий Азот» ОАЖ, «Навоий ИЕС» ОАЖ, «ГазлиТрансГаз», Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи АЖ, Аммофос ОАЖ, Фарғона Азот», Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи, Фарғона механика заводи, «ЭлектрКриэмзаводи» ОАЖ, Тошкент трактор заводи каби йирик корхона ва ташкилотларга иш

ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни пластик карточкалар орқали тарқатиш жорий қилинган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, 2008 йил 1 чорак давомида пластик карточкаларга 35,2 млрд. сўм маблағ қилинган бўлса, 2009 йил 1 чо-



рак давомида 66,3 млрд. сўм миқдорда маблағлар қилинган. Бу ўтган йили шу даврга нисбатан қилинган маблағлардан 31,1 млрд. сўмга кўп демакдир. Шу билан бирга пластик карточкалардаги қолдиқ маблағлари 2009 йил 1 апрел ҳолатига кўра, 35,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирият Маҳкамасининг 2004 йилдаги қарори 2 банди ижросини таъминлаш мақса-дида банк томонидан ўрнатилган савдо шахобчаларидаги терминаллар DUET тизимидаги бошқа тижорат банклари муомалага чиқарган пластик карточка эгаларига ҳам хизмат кўрсатишни амалга ошириб келмоқда. Шунга кўра, 2009 йил 1 чораги давомида DUET тизими орқали 14 782 дон транзакциялар ўтказилиб, 12528,7 млн. сўм (2009 йилнинг март ойида 5 530 дон транзакциялар ўтказилиб, 4198,1 млн. сўм)ни ташкил қилди.

Бундан ташқари, банк томонидан юридик ташкилотлар учун мўлжалланган корпоратив VISA Business пластик карточкалар сони ошиб бормоқда. VISA Business пластик карточкалари билан ўзининг қундалик ва ҳўжалик харажатлари учун VISA савдо белигис мавжуд



Пластик карточка барқарор тараққиёт омили



бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шахобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали нақд пулсиз тўловларни амалга оширмоқдалар. «Ўзсаноатқурилишбанк» янги хизмат турини аҳоли коммунал ва бошқа тўловларни автоматлаштириш режимидаги кеча-ю кундуз қабул қилиш имконини берувчи, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш борасида ахборот киоискаларини (инфокиоск) тармоғини ташкил қилиш борасида банк томонидан харид қилинган 15 дон инфокиоскалар аҳоли гавжум жойларга жойлаштирилмоқда. Жумладан, Тошкент марказий универмаги, Амалиёт бошқармаси кассаси, «Ўзбекнефтегаз» МХК, ТТЗ биноси, «Пойтахт» бизнес маркази, «Халқаро» бизнес маркази ва «Демир» супермаркетларига ўрнатилди. Улар орқали VISA пластик карточка эгалари уяли алоқа операторлари хизмати учун коммунал тўловлар ҳамда бошқа тўловларни амалга ошириб келишмоқда.

А.ТОШЕВ тайёрлади

«Қизилқумцемент» ОАЖнинг дадил одимлари

Тошкент вилояти Қўрғоқ тумани «Тўқайтепа» маҳалласи ҳудудига «Қизилқумцемент» ОАЖга қарашли полипропилен қоп ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга бошлагани. Унинг ташкил этилганга атиги икки йил бўлди. Утган қисқа вақт ичида гигант корхонанинг полипропилен қопга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилди бошланди.

«Тўқайтепа»даги цех

Дастан иш осон кўчади. Бироқ тинимсиз ишланги бесамар кетмади. Қўзланган режа амалга оша борди. Цехга ажратилган бино тўла таъмирланди. Қўнға 12 минг дона қоп ишлаб чиқаришга мўлжалланган Хитой технологияси ўзгартирилиб, 20 минг дона қоп ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Цехда меҳнат аҳлининг яйраб ишлаши учун барча шарт-шароит мўҳайё этилган. Ювенил, кийим алмаштириш, дам олиш ва бошқа хоналар мавжуд. Тиббиёт шохобчасининг малакали ходимлари ҳам ишга ёрдамга шай.

Кулай спорт майдончаси доимо ишчилар билан гавжум. Муҳими, уларнинг саломатлигига бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда. Масалан, ишчи-ҳодимлар корхона ҳисобидан даволанмоқда. Тушлик бепул. Ойлик маош ўз вақтида берилади. «Тўқайтепа»да қандай тадбир ўтмасин корхонадагилар камарбаста. Байрамларда ҳомийлик ёрдами ҳам кўрсатиляпти.

Азиза АХМАДИЕВА, журналист

«Назорат ўлчов асбоблари ва метрология» бўлимида 18 нафар касба уюшма аъзоси фидойилик билан меҳнат қилаётди. Улар мавжуд беш мингдан ортиқ назорат ўлчов асбоблари ва синов ускуналарини сифатли таъмирлаш, соғлаш, ўлчов воситаларини давлат назорати текширувидан ўтказиш, синов ускуналарини метрологик аттестациялаш ҳамда калибрлаш каби заҳматли юмушларни адо этадилар.

Бўлимдаги метрология хизмати, босим ва сарфлаш, ҳарорат ўлчови, электр ўлчови, физика-кимёвий ўлчов турлари таҳлилхоналари талаб даражасида таъмирланган ҳамда замонавий иш куроллари, ўлчов воситалари, синов ускуналари билан тўла жиҳозланган. Хар бир иш «Ўзстандарт» агентлигининг «Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» давлат корхонаси томонидан берилган «Таъмирлаш ва калибрлаш» ҳуқуқини берувчи шаходатномага кўра олиб борилмақда. Ўлчовларнинг аниқлиги ўлчов воситаларининг техник имконидан

неча бор ошди. Эндилқда, ҳаво ҳайдаш, ўтга чидамли буюмлар ишлаб чиқариш, «Шихталаш» бўлимларидаги даврини ўтаб бўлган ўлчов воситаларини ҳам модернизация қилиш режалаштирилмоқда.

1,2,3-клинкер ишлаб чиқариш бўлимида айланма тандирлар ичидаги ўтга чидамли буюмларнинг иш ҳолати ва тандир ичидаги ҳароратини назорат қилиш мақсадида, Россиянинг «Термопроб» корхонасида ишлаб чиқарилган ҳарорат ўлчаш ускунаси олиб келиб ўрнатилди. Мижозларнинг истагига биноан, «Темир йўл ва юк» бўлимидаги автомобил ҳамда вагон механик тарозилари ўлчов аниқлиги сифати юқори бўлган электрон тарозиларга алмаштирилди.

Бунинг учун эса ўлчов воситалари соз бўлиши лозим. Шунини инобатга олиб, «Хомашё», «Клинкер» ишлаб чиқариш 1,2,3-бўлимлари, «Майдалаш» бўлимлари ўлчаш аниқлиги юқори бўлган ўлчов воситалари билан жиҳозланди. Пировардида, тежамкорлик бир

ялари билан баҳоланади. Бунинг учун эса ўлчов воситалари соз бўлиши лозим. Шунини инобатга олиб, «Хомашё», «Клинкер» ишлаб чиқариш 1,2,3-бўлимлари, «Майдалаш» бўлимлари ўлчаш аниқлиги юқори бўлган ўлчов воситалари билан жиҳозланди. Пировардида, тежамкорлик бир

«Қизилқумцемент» ОАЖ тасарруфидagi «Шаббода» соғломлаштириш маркази ўрни бир пайтлар тошлоқ жой эди. Машаққатли меҳнат эвазига жаннатмакон маъвога айлантирилди. Утган йил 18 гектардаги мевали дараклардан йигиб олинган ҳосил болажонларнинг дастурхонини обод қилди.

Азиза ГАЙБУЛЛАЕВА

Манзарали дарактзор болаликнинг бетаклари ярададиган соя-салқин ўйингоҳга айланди. Экилган ниҳолларнинг эса ҳисоби йўқ. Икки-уч йилдан сўнг улар мева беради. Сабзавот етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, 4 тонна помидор, 3,5 тонна картошка, 1,5 тонна пивё, 1 тоннага яқин қовоқ етиштирилиб, умумий овқатланиш корхонасига топширилди.

Чорвачилиқда эришилаётган муваффақиятлар ҳам чакки эмас. Марказга яқин ҳудудда ўтган йилнинг июн ойидан бошлаб 50 бош қўй боқилди. Қишки, ёзги қўралар қурилди. Зарур ем-хашак билан таъминланди. Қўзилаштиш масъуми ҳам муваффақиятли ўтди. Чорвага барака кирди. Бунда тажрибали чўпон Исом Тошев, ветеринар-врач Музаффар Хушвақтовнинг хизмати катта.

Навбахор туманидан 194 гектар ер чорва озуқаси етиштириш учун ажратилгани ҳам айна муддао бўлди.

Сардор ИСКАНДАРОВ

Хом ашёни корхона бўлимида-рига етказиб беришда ЭКГ-А русумли экскаваторларнинг хизмати катта. Бу техникалар ҳар соатда 450 тонна хом ашёни машиналарга юклаб бериш имкониятига эга. Корхона қуввати ошгани сайин бундай экскаваторларга бўлган талаб ортиб бораёттир. Уларни хориж давлатларидан сотиб олиш ва келтириш эса катта маблағ талаб этади.

Бу ҳол корхона жонқурларидан Ақром Отақов ва Олимжон Назаровларга тинчлик бермади. Буни қарангки, ишчи-ҳодимлардан Виктор Паскок, Сергей Антонов, Ширин Азизов, Валерий Стрижков, Улугбек Чўлиев, Уктам Мухаммедовлар ҳам улар билан ҳамфикр экан. Хуллас, азаматлар ўйлай-ўйлай масаланинг ечимини топишди, эскириб, истеъмолдан чиқиб кетган экскаваторларни тиклашга жазм этишди. Ишдан бўш пайтларида техниканинг зарур эҳтиёт қисмларини тўплашга киришишди. Корхона таъминот бўлимидан кўмак сўрашди. Изолаган имкон топади деганларидек, 185 тонна қеладиган экскаватор қайта қад ростлади. Иш шу тарзда давом этиб, экскаваторларнинг сони 10 тага етди.

Эскилар янгиланди

Корхонага Беларуссияда ишлаб чиқарилган 10 та БелАЗ 3 автомашиналари келтирилди. Бу юк ташиш қуввати 35 фоизга ортади, деганидир. Хозир 23 та БелАЗ русумли автосамосвол бўлиб, 3 таси сув ташияпти, биттаси эса техник ёрдам кўрсатмоқда. Хуллас, улар ёрдамда бир кеча-кундузда 18 минг тонна юк ташияпти. Янги «БелАЗ»лар ишга тушиши билан бу кўрсаткич 25 тоннага етади. Шу билан бирга, 40 нафар киши му-

латга мансуб ахил жамоа бир-бирига камарбаста бўлиб, меҳнат қилаётти. Уларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари, бўш вақтларини маъмул ўтказишлари, саломатликлари муҳофазаси ва бошқа масалалар ҳам ишга таъсир қилмоқда.

Нозима РАҲИМОВА

Янги иш ўрни

Корхонага Беларуссияда ишлаб чиқарилган 10 та БелАЗ 3 автомашиналари келтирилди. Бу юк ташиш қуввати 35 фоизга ортади, деганидир. Хозир 23 та БелАЗ русумли автосамосвол бўлиб, 3 таси сув ташияпти, биттаси эса техник ёрдам кўрсатмоқда. Хуллас, улар ёрдамда бир кеча-кундузда 18 минг тонна юк ташияпти. Янги «БелАЗ»лар ишга тушиши билан бу кўрсаткич 25 тоннага етади. Шу билан бирга, 40 нафар киши му-

қим иш ўрнига эга бўлади. Мавжуд техникадан ўринли фойдаланиш, уларни асраб-авайлаш ҳар бир автокорхона ходимига масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, зарур чора-тадбирлар қўрилган. Жумладан, юк кўтариш қуввати 20 тоннагача бўлган автобиллар учун узунлиги 81 метр, эни 24 метр бўлган айвон фойдаланишга топширилди. Тез кунларда ёқилги қуйиш шохобчаси ишга тушади.

Автокорхонада турли мил-

«Ишонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Валерий Фокеевни Навоий вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида учратдик. Бу айна муддао эди. Кўп ўтмай шаҳар четида жойлашган корхонага етиб бордик. Улкан иншоотда иш қайнаб ётар, дарвозага яқин жойда 15 тача автобус тизилиб турар, сал берида талай ёнгил машиналар кўзга ташланарди.

— Автовокзал яқин экан-да?
— Йўқ, булар ўзимизники. Ходимларнинг ишга келиб-кетиши учун ажратилган.
— Ёнгил машиналар-чи?
— Бари ҳусусий, ходимларники. Корхона ҳовлисига кириб ақл шошди. Атроф шу қадар озода эдики, цемент заводидан кўра кўпроқ вазирилик биносига ўхшарди. Кўклар таровати уфуриб турар, гулзорлар дилга сурур бахш этарди. Касба уюшма кўмитасида уч ходим ишга қўмилиб ўтирарди. Фокеевнинг хонасида суҳбатимиз авж олди.

— Республикада 50 фоизга яқин цемент шу ерда ишлаб чиқарилади, — кўрсаткичлар билан таништири бошладим раис. — Режа ортиги билан бажарилаяпти.
— Касба уюшма тизимида анча йилдан бери ишлайсиз шекилли?
— Йигирма икки йил бўлди. Валерий ака ўйга толди... Россиянинг Олтой ўлкаси Елцовка кишлоғилик Валерий бир кун келиб навоийлик бўлиб қоламан, деб сира ўйламаганди. Буни қарангки,

ризиқ ўзбек диёрига сочилган экан. Ҳарбий хизматдан сўнг Новороссийск индустриал техникумида тахсил олди ва Қозғоғистоннинг Жамбул жун ишлаб чиқариш бирлашмасида прессловчи сифатида иш бошлади. 1979 йилдан бошлаб Магнитогорск цемент заводида монтаж, энергетик бўлиб ишлади. Павлодар индустриал институтига сирдан ўқиди. 1980 йилнинг баҳоринида йўлланма билан Навоий цемент заводида ишга келди. Дастан темирйўл бўлимида ишлади. 1985 йили эса ЭТЛ бўлимига бошлиқ вазифасига тайинланди.

Цехлараро мусобақалар намунали йўлга қўйилган бўлиб, голиблар ҳам ишга муносиб тақдирланди. Жумладан, ўйсиз талай ходимларга квартира сотиб олиб берилди. Соғ кишининг иши унумли бўлади. Буни чуқур ҳис этган ҳамият раҳбарияти ва касба уюшма кўмитаси жамоа аҳлининг кўнгилли ҳордиқ чиқариб, саломатлигини тиклаши учун ҳаракат қилаётти. Хар йили қўллаб қишлар «Умид гулшани», «Зомин» санаторийларига юборилмоқда. Утган йилнинг ўзида 140 киши санаторийда, 1904 нафари корхона тасарруфидаги 72 ўринли сихатгоҳда соғлигини тиклади. 40 нафар ходим республикадаги турли шифохоналарда шарт-

нома асосида даволанди. Бунинг учун 60 млн. 188 минг сўм сарфланди. Бундан ташқари, малакали шифокорлар тақдир этилиб, барча тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунга 218 млн. 850 минг сўм харж қилинди. Хар йили 45-50 кишидан иборат 3 та гуруҳда ишчилар Бухоро, Самарқанд каби тарихий шаҳарларга саёҳатга олиб борилди. Корхонада «Саломатлик» спартакиадасини ўтказиш одат тусига кирган. Мазкур ишга касба уюшма катта миқдорда маблағ сарфлайди. Ишчиларга ажратилган ётоқхоналар яшаш учун жуда қулай. «Шаббода» соғломлаштириш марказида қизилқум тадбирлар ўтказиб турилади. Ўзда эса бу ерда меҳнатқашларнинг ўғил-қизлари мириқиб ҳордиқ чиқаради. Жамоа шартномасига биноан, ходимлар меҳнат таътилига чиқадиган бўлса 1,5, яхши-ёмон кунларда 2, пенсияга чиқадиганида эса 4 ойлик маоши

Иш билганга минг танга

Манзарали дарактзор болаликнинг бетаклари ярададиган соя-салқин ўйингоҳга айланди. Экилган ниҳолларнинг эса ҳисоби йўқ. Икки-уч йилдан сўнг улар мева беради. Сабзавот етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, 4 тонна помидор, 3,5 тонна картошка, 1,5 тонна пивё, 1 тоннага яқин қовоқ етиштирилиб, умумий овқатланиш корхонасига топширилди.

Чорвачилиқда эришилаётган муваффақиятлар ҳам чакки эмас. Марказга яқин ҳудудда ўтган йилнинг июн ойидан бошлаб 50 бош қўй боқилди. Қишки, ёзги қўралар қурилди. Зарур ем-хашак билан таъминланди. Қўзилаштиш масъуми ҳам муваффақиятли ўтди. Чорвага барака кирди. Бунда тажрибали чўпон Исом Тошев, ветеринар-врач Музаффар Хушвақтовнинг хизмати катта.

Навбахор туманидан 194 гектар ер чорва озуқаси етиштириш учун ажратилгани ҳам айна муддао бўлди.

Сардор ИСКАНДАРОВ

Иш билганга минг танга

Манзарали дарактзор болаликнинг бетаклари ярададиган соя-салқин ўйингоҳга айланди. Экилган ниҳолларнинг эса ҳисоби йўқ. Икки-уч йилдан сўнг улар мева беради. Сабзавот етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, 4 тонна помидор, 3,5 тонна картошка, 1,5 тонна пивё, 1 тоннага яқин қовоқ етиштирилиб, умумий овқатланиш корхонасига топширилди.


Чорвачилиқда эришилаётган муваффақиятлар ҳам чакки эмас. Марказга яқин ҳудудда ўтган йилнинг июн ойидан бошлаб 50 бош қўй боқилди. Қишки, ёзги қўралар қурилди. Зарур ем-хашак билан таъминланди. Қўзилаштиш масъуми ҳам муваффақиятли ўтди. Чорвага барака кирди. Бунда тажрибали чўпон Исом Тошев, ветеринар-врач Музаффар Хушвақтовнинг хизмати катта.

Навбахор туманидан 194 гектар ер чорва озуқаси етиштириш учун ажратилгани ҳам айна муддао бўлди.

Сардор ИСКАНДАРОВ



Литвада яна бир ислоҳот ўтказилади



«Deifi.lt»нинг хабар беришича, Литва парламенти 30 апрел кун илий таълимни ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонунни кўпчилик овоз билан қабул қилди. Ислоҳот энг билимли абитурентлар университет ва коллежларда бепул тахсил олиши учун 21 мингта (университетларда 11 минг, коллежларда 10 минг) ўрин ажратилишини кўзда тутади. Ўқши жараёнида ўзлаштириш даражаси паст бўлса, улар бу ҳуқуқдан маҳрум бўлиши мумкин.

Бошқа талабаларга Литва ҳукумати имтиёзли кредит олиши учун қулай шартлар яратиб беришни ваъда қилмоқда. Ислоҳот тарафдорларнинг фикрига кўра, бу талабаларни яхши ўқишга ундайди, давлатнинг катта миқдордаги маблағини тежаш имконини беради.

Ислоҳотга қарши бўлганлар эса бу «ҳар кимга қобилиятга яраша олий таълим олиш имконияти берилади» деган конституциявий тамойилни бузади, деб ҳисобламоқда. Скелетларнинг фикрича, мазкур ислоҳот банкларнинг манфаатини кўзлаб ўтказилаяпти, чунки кўпчилик ёнидан пул тўлаб олий ўқув юртларида ўқиш имконига эга эмас.

Грузин қонунларига кўра...

Грузия кирғоқ қўриқчилари пайшанба кун Сухуми портига қурилиш материаллари олиб келаятган Туркиянинг «Нью Стар-1» юк кемасини кўлга олган. Бу ҳақда Россиянинг «Новости» агентлиги хабар тарқатди.

Грузия ҳукумати қўриқчиларнинг тўхташ ҳақидаги талабига бўйсунмаган кемани бошхона қондаларини бузганида айбляпти. Айна пайтда кема Потиди базага келтирилган. Таъкидлаш жоизки, Абхазия кирғоқлари ва портлари грузин қонунларига кўра, чет эл кемалари учун ёпиқ зона ҳисобланади. Шу боис апрелнинг бошларида Абхазияга ёнгил-мойлаш материаллари етказиб бериб қайтаётган Туркиянинг «Денфа Демет» кемаси ҳам грузин чегарачилари томонидан ушланган эди.


Европада 20 миллион киши ишсиз



«Eurostat» тарқатган пресс-релизда айтилишича, 2009 йилнинг март ойида Евроиттифокда ишсизлик 8,3 фоиз ўсган. Шундай қилиб, ЕИнинг 27 давлатидаги ишсизларнинг умумий сони 20 млн. 154 минг кишини ташкил этган.

Мартда ишсизликнинг энг кўп даражаси Испания, Латвия ва Голландияда энг кам — 2,8 фоиз. Умуман, глобал иқтисодий инқироз туфайли жаҳондаги кўплаб мамлакатларда ишсизлар сони ошиб бораёпти.

Ташкилотчиларнинг важи



Хитой императорлари учун 18-асрда оқ нефритдан ясалган муҳр Франциядаги «Beaussant-Lefevre» аукционига 1,68 млн. евро (2,2 млн. АҚШ доллари)га сотилди. «France Presse» агентлигининг маълум қилишича, унинг ошкор этишини истамаган бир хитойлик франциялик коллекционер учун харид қилган.

Кимовши савдосидан олдин экспертлар муҳрни 300-400 минг евро (396-528 минг доллар)га баҳолашган эди. Ушбу савдога мамлакат матбуоти катта эътибор қаратди. Чунки бундан сал олдин Пекиндаги «Юанминьюан» (Цин сулоласи императорларининг эски ёзги саройи) музейи дирекцияси муҳр 1860 йили француз ва инглиз қўшинлари томонидан ўғрилганини айтиб, ушбу тарихий буюм Хитойга қайтарилишини талаб қилган эди. Хитой ҳукумати хозирча бу талабга изох бергани йўқ.

Муҳр 1860 йили Хитойда жанг қилган француз қўшинлари бирлашмаларидан бирининг кўмондони генерал Эли Жан де Вассуаннинг меросхўрлари томонидан савдога қўйилган. Лекин аукцион ташкилотчиларнинг фикрига кўра, «Юанминьюан» европалликлар томонидан ёқиб юборилган пайтда генерал Пекинда бўлмаган, шунинг учун унинг ўғирликка дахли йўқ. Аммо муҳр қандай қилиб унинг қўлига тушиб қолганини маълум эмас.

Интернет хабарлари асосида Хусниддин ШУКУРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши Избоскан тумани бирлашган касба уюшмаси қўмитасининг собиқ раиси
Шодмонали ЭРГАШЕВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ёнгил, мебел санати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Марказий кенгашнинг вилоят вакилликтери Андижон вилоят «Сувоқча» ишлаб чиқариш бошқармаси касба уюшма кўмитасининг раиси
Рустамжон ҚОБИЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Тўйхат ўрнида

Ҳар кун ишга борсанг..



Инсон ҳаёти узун ва машаққатли йўлга қийсланса, албатта, бу йўлда ўзига хос бекатлар бўлади. Умри давомида бошқаларга наф келтира олган, ўзидан ортиб, кўпнинг дуосини ола билганларнинг эса, борган манзиллари том маънода эзгулик бекатлари деб аталади.

Журналист Алибой Эргашевнинг умр йўли ҳам яхшиликларга лим-мо-лим. Дарҳақиқат, меҳнат инсонни улғу-лайди. Кимдир кетмо-ни, кимдир юксак илму салоҳияти ва ёхуд жис-моний етуқлиги, яна кимдир эса кўлда калами билан Ватан равнақиға ҳисса қўшади. Алибой ака тиниб-тинчимаслиги, қилган фидокорона хизмат-лари туфайли бугун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Журналистлар уюш-маси мукофотининг лауреати, Ёзувчилар уюш-маси (1968 йилдан бунён) аъзоси. 14 мартаба фахрий ёрлик билан тақдирланган.

Унинг «Эзгулик бекатлари», «Этиқод ва эъоз», «Меҳнат қилган етар муродга», «Сўзга ошуфта кўнгил» номли китоблари нашр қилин-ган. «Тура Сулаймон — мактаб яратган шоир» ва «Юрган дарё» деб номланган китоблари эса чоп этилиш арафасида. «Эзгулик бекатлари» китоби сўнггида муаллиф шундай ёзади: «Рафиқам Хол-буви баъзан «Энди бўлди, ишланган», дейди. Балки тўғридир. Бирок бу овоз Ватан, азиз халқим олдида ҳали қарзим кўп. Юртимиз гўзал-ликлари, унинг буюк ишлари ҳақида кўп ёзиш ниятдаман». «Меҳнат қилган етар муродга» кит-обиде эса шундай сатрлар бор:

Ҳар кун ишга борсанг тинкиб, шошиб, Байрамга боргандай, тўйга боргандай. Ишласанг изланиб, чинкиб, жўшиб, Яяриб, оламга қайта келгандай...

Зеро, шижоати жўш уриб турган инсон кўп нарсага эришади. Шу кўнларда 70 бахорни қар-шилаган Алибой Эргашев ана шундай фидойи инсонлар тоифасига қиради. Унга тансиҳатлик, оталик, болиқ ва устозлик сурурининг барда-вом бўлиши билан бирга, кейинги эзгу ишла-рида ҳам муваффақиятлар тилаймиз.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, журналист

Яқинда Тош-кент вилояти халқ таъ-лими бошқармаси томонидан болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўрта-сида «Болалик баҳори» рес-публика фестивалининг ви-лоят босқини ўтказилди. Тан-ловда ёш иқтидор эгалари 5 йўналиш бўйича сараланди. Фестивал якунига кура, аънавий хонандлик йўна-лиши бўйича Бекобод шах-рининг 11-БСМ «Бекобод» гу-руҳи, эстрада хонандлиги йўналиши бўйича Қўрай тумани 2-БСМнинг «Наврўз» рубобчилар ансамбли голиб деб топилди ва республика босқичига йўлангани кўлга киритди.

Истеъдодлилар баҳси

Маънавият иқлимлари

Халқимиз маънавияти кенг тармоқли ҳодиса. Унинг ҳар тарафга узалган шохларини бир-бир ушлаб кўрмасдан миллатимиз ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш қийин масала. Ўзбек бўлиб туғилиш ўзбекча яшашни тақозо этади. У ёки бу миллатга мансублик ўзига хос қадриятларни аниқлашдан бели. Уни инкор этишга ҳар қанча уринилмасин, у ўзгармас ҳолда қолади.

АНЪАНАЛАР ИСЛОҲГА МУҲТОЖМИ?

Миллатимизда меҳр-оқибат, айниқса, устун жиҳат ҳисобланади. Муҳтожга қарашини, кексаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ота-онани эъозлаш каби жиҳатлар айтиш мумкинки, қондан-қонга ўтиб келади. Хуқуқий ҳаётда қўриқчилик ҳам миллий табиатимизни ҳисоб-га олмаслик, менталитетимизга хос жиҳатларни чуқур ўрганмаслик тасаввурларни чигаллаштирибгина қолмай, ноҳўя ҳулосалар чиқаришга сабаб ҳам бўлиши мумкин. Афсуски, миллий хусусиятларимизни бузиб талқин қилиш ҳолатлари ҳам учраётгани бор гап. Бизда бетта чопарлик, ўзидан ёши улғу одамнинг айбини юзига шартта-шартта айтиб ташлаш одобсизлик саналади. Масалан, ўзбек отаси ёки акаси билан мол-мулк таллашиб судма-суд юришни ўзига ор ҳисоблайди. Қариндошлик ҳурматида, ҳатто бирор хеши билан до-влашгани ҳам хуш кўрмайди. Ундан кўра, кўрайдиган фойдасидан воз кечиб қўя қолади. Чунки ҳар қанча ҳақ бўлмасин, махалла-кўя то-монидан бу хатти-харакати маъқулланмаслигини у яхши англайди.

Одамлар ўртасидаги қарз олди-берди масаласида ҳам низоҳатда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Эскидан ота-боболаримиз ишлатиб келган «лафз» деган сўзни барча нарсасдан устун қўямиз. Бировга қарз бериш имконингиз бўлса, ҳужжат-пужат тузиб ўтирмай, ваъ-дасига ишониб қўя қоласиз. Агар қарз сўраган одамнинг алдаб ке-тиши ёки вақтида қайтармаслиги маълум бўлса ҳам, очикчасига рад этишга юзингиз чидамайди. Ахир «қарз сўраган одамнинг бир юзи, қарз бермаганининг эса икки юзи қора-ўлигини онгимизга сингди-риб келишган-да! Яхшиси, бир иложини қилиб, пулингиз йўқлигини баҳона қиласиз. Чунки қарз сўровчининг «сўзимга ишонмади, шунга ҳам қозғ-қалам қилиб ўтирди», деган маломатидан кўра шу-ниси тузук.

Ўзбекнинг ўзига хос яшаш тарзи бор, фақатгина ўзи тан олади-ган аъмоллари бисёр. Айнан шунинг учун ҳам халқимиз ардоқлай-диган қадриятлар билан қиёсий, тўла-тўқис ҳазм қилиш оврупоча фикрлайдиганларга мушкуллик туғдиради. Ахир қайси миллат тўй қилишдек оддий удумни машаққатга айлантириб, умри давомида йи-гинадиганини бир кунда соғуриш билан лаззатлана олади. Бундан мантик ипларини излаб топиш мураккаб бошқотирмани ечишдан ҳам оғир бўлса керак.

Очигини айтганда, ушбу жиҳатларга ўзимизнинг қарашимиз ҳам бир хил эмаслиги кўндек равшан. Тўйларни камчиқим, ихчам қилиш ке-рак, деган даъват ҳамиша қўлоғимизга чалиниб турса-да, бирор мар-та унинг камтарона кўринишда ўтказилганини кўрмаймиз. Бунинг учун тўй соҳибини айблашга тушиш қўлам адолатдан бўлмайди. Халқимизда «тўй — кўпник» деган маънида гап бор. Тўй ўтказишда ҳам кўпнинг иродаси ҳисобга олинади. Ҳеч ким «хасис», «зиқна», «одамгарчилик-дан чиққан» каби ноилар билан аталганини хоҳламайди. Ё бўлмаса, «элининг ошини еганман, шунга яраша иш тутмасан, нима деган одам бўламан», деган истихоло билан кўпчиликдан қолгиси келмайди. Шун-дай экан, жамоа онгидаги фикрларни ўзгартирмай туриб бирор на-тижага эришиш мумкин.

Ўзбек ўзи учун яшашнинг енгил томонларини қидирмайди. Ну-қул янги «кашфиёт»лари билан уни оғирлаштиради. Масалан, ҳар қанча нуқулга бўлмасин, тонг сахарлаб ошга боришни қанда қил-майди. Ё бўлмаса, пойтахтда яшаётган илтипатлик киши бирор тани-ши ёки қариндошининг тўй-маъракасини деб энг муҳим ишлари-ни четга суриб, 400-500 километрик манзилга бориб келишдан эринмайди. Ҳар қандай зарур юмушдан инсонга нисбатан ҳурматни устун қўяди.

Шу ҳақда уйлариқанман, кўп йиллар олдин бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушади. Муштақилликка эришганимиздан сўнг шўро тузуми-нинг дастлабки йиллари қатлу қирғиндан қочиб хориждан паноҳ топ-ган ҳамқишлоғимизнинг фарзанди қондошларини излаб келиб қолди. АҚШда яшаб тижоратчи сифатида фаолият кўрсатаётган мил-лионер бойбува туғилган тупроғига кўз тика-тика армонда кўз юм-ган падали бузуруқвори ва марҳум хешлари руҳига бағишлаб ота юртида худойи ўтказди. Маросимга бунун қишлоқ ахлининг оқиб ке-лишини кўриб: «Нима, шунча одам бекорчими? Америкада ҳар қанча бадавлат одамнинг ҳам тўй ёки бошқа тадбиринида илтироз этакдиган меҳмонлар 70-80 нафардан ошмайди. Ахир ҳамма ўза юмуши билан банд. Агар отам тирилиб келганини эшитсам ҳам қўнлик ишимни бажармай кетиб қолмайман. Чунки икки соат ичиде мен миллионер-дан қашшоққа айланишим ҳеч гапмас», дея юртдошларининг бу му-носабатларидан ажаблангани. Аммо унинг бошқа вазиятдаги ик-ро-ри ҳам қизиқ. Ватандошимизнинг кейинги сафар юртга ташрифи қадрдонларидан бирининг вафотига тўғри келади. «Америкалик бўва-жазоага одамларнинг бунчалик кўп тўпнанишдан таъсирланиб, эл-дошларининг мусибатда ҳам бир-бирига шериклиги, инсонийлик бур-чини билан тутиши фазилатларига тан беради.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

Морража

ТасВирий санъат

Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, халқ рассоми, давлат мукофотларининг лауреати Баҳодир Жалолов ўтган йили олтинчи ёшга тўлган эди. Шу муносабат билан академияда рассом-нинг ўзига хос кўргазмаси намойиш этилди. Унинг «Оқ тун мўъжиза-лари», «Уйғунлашиш сари эврилиш», «Осмон ва замин иттифоқи», «Наврўза қиёмати» каби асарлари томошабинлар эътиборини қозон-ганига гўвоҳ бўлганман.


Леонардоган илҳом олган



Рақсинг туғилиши


Баҳодир ҳақиқатан ҳам руҳият мусаввири, унинг асарлари че-кисиз коинот, оламшумул даража-даги кенглик сари дарча очади. Қаҳрамонлари қийслаб бўлмас даражада фантастик олам сари талпинади. Бу рассомнинг аура-си низоҳатда кучли эканлигидан дарах беради. Ана шу фазилатла-ри боис уни давримизнинг Ле-онардо да Винчиси десак ян-глишмаймиз. Яна у Микеланжело-сифат гайритабиий қобилиятга эга рассомдир. Негаки, у компо-зиторнинг ич-ичига кириб, ҳозирги замон техникасининг ақл бовар қилмас имкониятидан фойдала-ниб, глобал масштабдаги гоғлар-ни кўтариб чиқади. Ер ва коинот, бўшлиқ ва кенгликдаги англаб бўлмас оралиқни илғаб, асарла-

рида келажак сари одим ташлаган Шарқ ва Фарбни, бутун барлиқни синтез қилади. Рассом бу даражага етгунча узоқ ва машақ-қатли изланишлар йўли-ни босиб ўтди. Аввало, кинематографияда Ко-мил Ерматов ва Малик Қаюмов олиб борган из-ланишлар руҳига кириб, улар ҳақида аҳойиб асар яратди. Буюк ижодкор-лар унга руҳан мадад берди. Бундан олдин Га-лина Пугаченкова, Евге-ний Массонларнинг шарқ археологиясида очган тенгиз кашфиёт-ларини ўрганди, тарих-



Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ, санъатшунослик фанлари номзоди

Билиб қўйсанг ЯХШИ



Буйракка ўхшайдиган ўСИМЛИК

Ловия — дукқадошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Ловиянинг 200 га яқин тури бўлиб, таркибида ҳаёт учун зарур витаминлар бор. Шунинг учун ловия қадимдан ҳам гизо, ҳам шифо сифати-да ишлатилган.

Абу Али ибн Синонинг ёзишича, ловия буйрак, кўкрак ва ўпка учун фойдали. Унинг бир тури — боқило — йирик ловия ҳам бор. Энг ях-шиси семиз, оқ ранглиси бўлиб, энг ёмонси энди етилганидир. Унинг дам қилиш хоссаси бор. Яхшилаб қайнатилса, бу хусусияти ке-тади. Ҳазми суст бўлади. Йи-рик ловиянинг пўсти олин-гандан кейин иккига айириб, куюк суртма қилиб соғча сур-тилса, уни юмшоқ қилади. Йирик ловия пўсти билан бирга ишлатилса, юздаги доғни, сепкилни, қизил кон-талашни кетказди, рангини очади.

Халқ табобатида ловия гу-лининг дамламаси буйрак, қовуқ хасталиқларида, юрак-томир тизими (кон босими ошганда, юрак кучсизланган-да), қандли диабет, бод син-гари касалликларда ишлатил-ган. Бунинг учун 20 грамм ло-вия гулини 200 грамм қайноқ сувга солиб, чой сингари дамланади. Сўнг ярим стахан-дан 3-5 марта таомдан олдин ичилади.

Ловия ундан асалга қориштириб тайёрланган дори яра, чипқон етилиши-да ёрдам беради.

Ловиянинг ноҳуш асорат-лари ҳам бор. Киши уни кўпроқ истеъмол қилса таш-вишли тушлар кўради, янги-си қичима пайдо қилади, бошни оғритади. Шунинг учун меъёрни билиш керак.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос

Мулоҳаза

Хўш, бунга биз нечоғлик амал қилаймиз? Тилим бор экан деб бар-ралла сўқиниш, секин сўзлаш мумкин бўлган ҳол-ларда ҳам бандан овозда гапириши, бақирини қан-

Одамнинг қанақалигини ахлоқи, му-омаласи кўрсатади. Тилин гўзал сўзлар билан бойитиш инсоннинг ҳуснига ҳусн қўшади. Ширин муомала эстетик завқ бағишлайди, кайфиятни кўтаради. Ак-синча бўлса эса... Пахлавон Маҳмуднинг шеъри ёдга тушади:

Икки нарса ажратди инсонларни ҳайвондин, Инсонлиги билинади ҳунар ила забондин. Шундай экан, кишиларнинг энг улуги ҳунарманд Шей сўзга чочан киши, фикри равои, тили қанд. ИБН СИНО

Одамзод танасида 6 та аъзо бор-ки, уларнинг 3 таси ўзига бўйсун-майди, 3 таси эса ўзининг ҳукми-да. Кўз, қулоқ, бурун одамга бўйсунмайди: кўргиси келмаган нарсасини кўришга; эшитгиси келмаган гаплар ёки товушларни тин-глашга; хуш ёқмайдиған исларни хи-длашга мажбур бўлади. Оёқ, қўл, тил эса инсон ҳукмида. Қўл билан гўзал буюмлар яратиш ёки гўзал-лик обидаларини вайрон қилиш ёхуд шу қўл билан эҳсон қилиш ё ўзгалар мул-кинни ўзлаштириб олиш мумкин. Оёқлар эса истаса уни ибодатга, илм маска-нига, истаса ёмон жойларга олиб боради. Тил билан илҳойи қаломларни, ширин сўзларни ёки, аксинча, иғво, ярамас гапларни айтиш мумкин.

дай тушуниш мумкин? Бир чиройли қиз 5-қаватдаги уй бал-конида туриб телефонда гапираётганини эшитиб қолдим. — Қанақасиз ўзи? Одамимиз сизам? Нега унақа қиласиз? Ҳа, жаҳли чиққан шекилли деб ўйла-дим. Кейин овоз янада юқорилади: — Онангин... Ҳайратдан қотиб қолибман. Уғил бола ҳам... Лекин қиз боланинг бақ-риб сўзлашиши, бу ҳам етмагандай сўқинишини қандай изохлаш мумкин?

Уч юз Кўҳи қоғни қолида туймоқ, Дил қондан бермоқ фалакка бўёқ, Енки бир аср эиндонда ётмоқ Нодон суҳбатидин кўра яхшироқ. Сўзлаганда унинг маъносига эътибор бермай гапирадиган инсонларни тинглаб дилни яралагандан кўра оғир меҳнат қилган осондир. Тана чарчоғи дам олин-са чикиб кетади. Бирок маза-матрасиз суҳбатни эшитиб ортирилган қалб чар-чоғи чикиб кетиши жуда мушкул. Улдона АБДУРАҲМОНОВА, УзМУ магистранти

Ўзи ширин — ўзи ширин

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a logo.